

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофликда муҳокама қилинган ҳолда тайёрланди.

Муҳокамалар жараёнида халқимиз, фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатиб, мингдан ортиқ теле- ва радиоканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирларда улар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди, фуқароларимиз билдирган таклиф-таъсирлар тегишли соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси доирасида уч мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, кўпчилик таклифлар муҳокама учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш жараёнидаги таъминлаштиришни назарда тутди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисига Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида: 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи "Электрон парламент" тизими жорий этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига қўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни қўриш

амалиёти шакллантирилсин;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини "намунали Кенгаш" сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар қўрилсин ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилинсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Хукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинсин;

2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрнатилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилсин;

2020 йил 1 июлда қадар "Мening fikrim" веб-порталининг мобиль иловасини ишга

тушириш чоралари қўрилсин, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича "йўл харита"си, Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепцияси ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегияси қабул қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби амалиётга жорий этилсин;

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девокхонаси раҳбари Ян Цзечи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойни дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб турганини қайд этди.

Мамлакатларимиз етакчиларининг мунтазам учрашувлари икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатида янги даражага кўтариш, уни аниқ мазмун билан бойитиш имконини берди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортмоқда. Хитойнинг илғор компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Юқори мартабали меҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Президенти номига йўллаган шахсий мактубини топширди. Ушбу мактубда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилган ҳамда янги турдаги коронавирус тарқалишига қарши курашда қўриқилган кўмак учун миннатдорлик билдирилган.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Хитой шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда энергетика, нефть-газ, кимё, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамда инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШХТ ва бошқа тузилмалар доирасидаги конструктив мулоқотни мустаҳкамлаш, шунингдек, "Бир макон, бир йўл" ташаббусини илгари суриш доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК КЕЛИШУВИГА ЭРИШИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАДИ

Ишончим комил, бугун биз ҳам давримизнинг энг ўткир минтақавий ва глобал муаммоларидан бири – Афғонистондаги қарама-қаршиликни ҳал этишни амалий руҳда муҳокама қилиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқишга қодирмиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

2020 йил 29 февраль нафақат минтақамиз, балки жаҳон тарихига муҳим сана сифатида муҳрланди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси, сиёсий иродаси ва амалий саъй-ҳаракатлари туфайли қирқ йиллик уруш ва жангу жадаллардан жабр кўрган афгон заминда тинчлик-осойишталик, тараққиёт учун тарихий пойдевор қўйилди.

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида Америка Қўшма Штатлари ва "Толибон" ҳаракати ўртасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича битим имзоланди. Ушбу тарихий музокараларда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Тинчлик – энг азиз ва бебаҳо неъмат. Уни асраш инсониятнинг доимий орузи бўлиб келган. Жафокаш афгон халқи бир инсоннинг умрига тенг йиллар ўтса ҳамки, тинчлик аталмиш неъматдан бебаҳра қолиб келмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

МАКТАБ ТАЪЛИМИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ЎРГАНИЛДИ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ мамлакатда кадрлар муаммоси мавжудлиги, барча соҳаларга ислохотлар суръатига мос замонавий мутахассислар зарурлиги ҳақида айтган эди.

Шу мақсадда бутун таълим тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Мактабга таълим ривожлантирилаётгани мактаб сабоқларига пухта замин бўлмоқда. Умумий ўрта таълим сифати илғор халқаро тажриба ва замон талаблари асосида юксалтирилмоқда.

Сунги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим мактаби қурилди. Бундан ташқари, Президент мактаблари, буюк алломаларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган

мактаблар, ижод мактаблари, Темурбеклар мактаблари каби замонавий ва инновацион таълим масканлари ташкил этилди. Шунингдек, охириги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ ҳудудларга бориб ишлайдиган педагоглар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш жорий этилди.

2019 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий мактаб" ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2021 йилгача мактабларнинг камида 3 фоизи, 2025 йилгача 20 фоизи, 2030 йилга қадар эса 50 фоизини "Замонавий мактаб" ларга айлантиришнинг асосий параметрлари

белгиланди. Буларнинг барчаси ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кенг қамровли ислохотларнинг илк босқичи эди.

Президентимиз шу йил январь ойида Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта қўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мактаблар моддий-техник таъминотини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

(Давоми 3-саҳифада)

АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИ БУТУН МИНТАҚА МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шу йил 29 февраль куни Қатар пойтахти Доҳада АҚШ ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тинчлик келишуви имзоланди. Маросимда иштирок этган хорижий делегациялар вакиллари Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ташаббуслари ва қатъий саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади:

Залмай Халилзоод, АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили:

– Тан олиш керак, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда уюштирилган Афғонистон бўйича халқаро анжуман мақсур келишувга пойдевор вазифасини ўтади. Қолаверса, дастлаб АҚШ ва "Толибон" ҳаракати иштирокида бошланган музокаралар эндиликда икки томонлама шаклдан чиқиб, айни пайтда Афғонистондаги ички сиёсий кучларнинг тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига йўл очди.

(Давоми 4-саҳифада)

"Она асалари" лар экспортга

Фарғонада асаларичилик яхши ривожланган. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси билан Фарғона давлат университетига асаларичилик факультети очилгани ва Фарғона шаҳрида асаларичиликка ихтисослашган коллеж ташкил қилингани юқоридаги фикримизга далил бўлади. Бу касбга ихлосманд ёшлар коллежга кириб ўқий бошладилар. Бундан кўзланган асосий мақсад, ҳар иккала ўқув даргоҳида ҳам асаларичиликни янада ривожлантириш, соҳадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташриф буюрганида Фарғона асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув марказида бўлиб, тармоқни ривожлантириш борасида ўз маслаҳатларини бергани асаларичиларда катта таассурот қолдирган эди.

Ушбу марказда бир йилда 600 нафардан ортиқ мутахассислар ўқитилмоқда. Махсус ўқув режа асосида олимлар томонидан амалиёт дарслари ўтказилаётгани назарий билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

(Давоми 4-саҳифада)





Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳарақатлар стратегиясини "ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ"ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномага асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 ноябрга қадар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинсин;

2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинсин, шунингдек, боғжона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёр равишда тўлаган ва боғжона расмийлаштирувни амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилсин;

2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жаримани суд ва ваколат идораларда иш қўрилгунга қадар ихтиёр тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, тизимлаштирилган "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солуви ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини кўчатиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

4. Кенг жамоатчилик ишларини ва халқаро эксперт жамоатчилиги тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйдаги тақлифлари розилик берилсин:

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

а) 2020 йил 1 апрелга қадар қонун ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин, унда, шу жумладан, қуйдагиларни назарда тутсин: доимий пропискага қўйишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қондаларига риоя этиш бўйича талабларни; пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни "ягона дарча" тамойили асосида амалга ошириш механизмлари рақамлаштирилишини таъминлашини;

ҳудудларда олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очилиши;

б) Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда республика аҳолиси учун Тошкент шаҳри билан бир қаторда қўшимча равишда "ўзига тортувчи марказлар"ни яратиш мақсадида табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилашни назарда тутсин.

5. Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:

2020 йилдан бошлаб пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинсин ва давлатга мажбурий галла сотиш ҳақми 25 фоизга камайтирилсин;

2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фойзалар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича қўшилган қўйилган солигининг бир қисминини қайтариш тартиби самарали йўлга қўйилсин;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камиди икки бараварга қисқартирилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича "Йўл харита"ларини амалга оширишга киришилсин, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилмаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари кўрилинсин;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдидан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлиги ташкил қилинсин;

2020 йилда "рақамли маркировка ва онлайн касса" лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини, шу жумладан, "Давлат молия" хисобга олишининг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилинсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юклари автомобил ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисминини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилсин;

2020 йилда камиди 800 мингта кенг полсалари Интернет портлари яратилсин ва 12 минг километр оптик толали алоқа линиялари ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, "Давлат молия" назорати тўғрисида"ги, "Давлат қарзи тўғрисида"ги ва "Расмий статистика тўғрисида"ги қонун лойиҳалари, Автомобиль йўллари ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш стратегиялари, Таъқиқ иқтисодий фаолиятини тартибга солиш ва Сув хўжалигини ривожлантириш концепциялари, Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий

чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича "Йўл харита"сини ва мазкур курсларнинг битирувчиларига энг илгор лойиҳа учун грантлар ажратиш тартибин тасдиқласин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камиди биттадан "Ишга марҳамат" моно-марказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилишини таъминласин.

Худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам бошқича-бошқич ташкил этилиши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун қўлланма ҳаётида эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури"ни ишлаб чиқиб, талабдорлар рўйхатини шакллантирсин.

Белгилансинки, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилди.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобидан илгор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин;

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камиди биттадан "Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури" бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг гўлибларига ўз иштини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибин ишлаб чиқсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли эҳтиёжларини ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки: янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилди;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналарида ер устаскалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

10. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантирсин, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабдорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин. Бунда, мазкур шахсларга қўнчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобил иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шунингдек, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 августга қадар қуйдагиларни назарда тутувчи Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

камбағаллик тушуначасини, уни худудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш; аҳолида, айниксан, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни самарали механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан, микроолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш; банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг – санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта

ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ердан беришлар лозим, талабдорнинг тақлиф этилган ёрдани рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тартибни жорий этиш бўйича тақлифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда "UzTrans" ягона интерактив ахборот тизимида ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усулларини қўллашни хисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

юк ташишни амалга оширишни бошланishi тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини "онлайн" рўйхатдан ўтказиш тартибин жорий этиш орқали автомобиль транспортда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш;

жисмоний шахсларга автомобиль транспортда йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш хуқуқини бериш бўйича тақлифларни киритсин.

15. Ижтимоий ривожланиш соҳасида:

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилиши таъминласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини юкламаси мақбуллаштирилсин, шунингдек, олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки бараварга қисқартирилсин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат бюрократия параметрлари бошқичма-бошқич икки бараварга оширилсин;

2020 йилда камиди 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари кўрилинсин;

2020 йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилинсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини туздан қайта кўриб чиқилсин;

2020 йилда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этишга тайёрлагич ишлари якунига етказилсин ва келгуси йилда ушбу тизим таърибга тарқасинда Сирдарё вилоятида ишга туширилсин;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дорин воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ўрта йилга нисбатан 1,3 бараварга кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, "Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида"ги ва "Кинематография тўғрисида"ги қонун лойиҳалари, Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастури, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури, Илм-фан соҳасини ривожлантириш, Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепциялари, Қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирлиги билан биргаликда Ешлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича "Беш ташаббус" лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кўндалиқларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видео дарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган таърибга тарқасинда ахборот тизимларини қозғо ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда экспертлар, шу жумладан, хорижий экспертлар иштирокатида маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камиди тўрт мартаба кўчиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминласин.

19. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида таърибга тарқасинда бошқича-бошқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибин белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар таърибга натижаларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизимига масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги тақлифларни ўқитишни ушбу шаклни амалга киритишни олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари кесимидаги графиги билан биргаликда киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексидида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:

2005-2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016-2018 йиллар даври учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишининг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишни марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу бандда кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мувожаати асосида фойдаланилади. Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

"Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига орқали 2020 йил 1 январгача бўлган давр учун зарур маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

фуқаролар учун уларга тайинланган пенсия тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар билан танишиш, шу жумладан, автоматик ҳисоблаш имкониятини яратишни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибин тақомиллаштириш бўйича тақлифларни киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг мувожаатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича вазифаларни хисобга олган ҳолда икки ой муддатда ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилмаган фаолият турлари (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларни рақамлаштириш, "Фрилансин" (масофадан туриб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш бўйича "Йўл харитаси"нинг киритилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 ноябрдан "Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилчи тизим" дастурий-аппарат комплексини (кейинги ўринларда – дастурий-аппарат комплекси) жорий этиш тўғрисидаги тақлиф маъқулласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини рив



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаражатлар стратегиясини “ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-2-саҳифаларда)

Бунда, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларга ҳаражатларни давлат томонидан қоплаш, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган.

25. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда “Беш ташаббус” лойиҳасини молиялаштириш доирасида “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”да, “Ишга марҳамат” мономарказларида ва “Ёшлар технопарк”ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

26. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёшларнинг энг илгор лойиҳаларини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрида “Халқаро ёшлар инновация форуми”ни ўтказиш ҳамда форум доирасида “Энг яхши лойиҳалар” танловини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

27. Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларини киритсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта қўриб чиққан ҳолда соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш;

“Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш йўналишида идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш, қўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шакллари кенг қўллаш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молия-ҳўжалик фаолияти, маъмурий тартибдорлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараҳларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш;

телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида Интернет тармоқидан кенг фойдаланишни қўллаш, мобил алоқа тармоғи ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш; рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

28. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат хизматларини қўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларида ахборотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш “Электрон ҳукумат” тизимини ягона идентификаторларини қўлланган ҳолда амалга оширилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Электрон ҳукуматнинг идораларо ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлари ягона реестрини (кейинги ўринларда – Ягона реестр), шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида қўлланилиши мажбурий бўлган “Электрон ҳукумат” тизимини ягона идентификаторларини, маълумотномалар ва таснифлагичларнинг рўйхатларини (кейинги ўринларда – рўйхатлар)

жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

30. Белгилансинки: Ягона реестрга идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маънафатлари йўлида ишлаб чиқиладиган бошқа дастурий маҳсулотлар киритилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ягона реестрга киритилган идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиши ва улардан самарали фойдаланиши шарт.

31. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси, Киберхавфсизлик маркази икки ой мuddатда Ягона реестр ва рўйхатларни шакллантириш ҳамда юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда реестр ва рўйхатларнинг долзарб версияларини “Электрон ҳукумат” тизимига тақдим этиш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатиб ўтилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асосиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар давлат сирини деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини қайта қўриб чиқиш ҳамда кейинчалик уни махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин.

33. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Адлия вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонуңчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмин ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

хорижий мамлакатларнинг парламентлари ва бошқа манфаатдор давлат органлари билан биргаликда депутатлик корпуси ва сенаторлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутахассисларининг кўникмалари, малакаси ва салоҳиятини ошириш бўйича ўқув дастурларини рўйхатга чиқариш;

қонун ижодкорлиги, парламент назорати, фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш ва халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юқини мақбуллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ичда ва унинг ташқарисида масофавий ўқитиш учун таълим модуллари ва дастурларини ўз ичига олган ҳамда “Электрон парламент” тизими билан интеграциялашган “онлайн” тизим яратиш.

Белгилансинки, ўқув марказининг фаолият юритиши, таҳсил олувчилар ва хорижий давлатлар экспертларининг мамлакатда бўлиши билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро ташкилотлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджетни параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин, 2021 йилдан эса ҳар йили

бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига мазкур институтни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилиш тавсия этилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод қўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин мuddатда ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда тегишли йил учун Давлат дастури билан узвий боғлиқликда Ҳаракатлар дастурининг вазирликлари, идоралар ва ҳудудлар кесимида бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида танқидий муҳокама қилиб боссин.

35. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта мuddатда хорижий мамлакатлар билан 2020 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таъминларни соддалаштириш ва махсус қўлай режими тақдим этишини назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

36. Тўғридан-тўғри инвестицияларни, илгор тажриба ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик миссияларини фаол жалб этган ҳолда жаҳон мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари, етакчи халқаро институтилар ва молия тузилмалари, шунингдек, минтақавий бирлашмалар билан узоқ мuddатли шерикликни чуқурлаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва амалий чора-тадбирларни тайёрлашни таъминласин.

37. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” марказининг қуйидагиларни амалга оширувчи “Халқаро мунозара клуби”ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин: маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ислохотларни амалга оширишнинг муҳим масалалари бўйича жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли ва экспертлар ўртасида сўровлар ва урганишлар ўтказиб бориш;

илгари сурилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда асосланган таклифларни ишлаб чиқиш; давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли олдидagi ҳисобдорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш.

Белгилансинки, “Халқаро мунозара клуби” “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар қўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ қўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастури амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

39. Давлат дастури бандларини изчил ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашилар ўз ҳудудларида Давлат дастури амалга ошириш бўйича ўн кун мuddатда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқариб ва ҳар ойда ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий қўриб чиқариб, ҳар чоракда Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳар чоракда Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқариб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлади.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси Халқаро пресс-клуб, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда: ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тўшунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчилик тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қўнуң ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

42. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига оқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 2 март

МАКТАБ ТАЪЛИМИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ЎРГАНИЛДИ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Йиғилишда янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларини босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда 9 минг 942 та мактабнинг 2 минг 835 таси таъмирталаб. 5 минг 861 тасида ўқувчилар сонини сиймига нисбатан қўпчили сабабли дарслар 2 сменада ўтилмоқда. Жорий йилда 36 та янги мактаб қурилиб, 211 тасининг капитал таъмирланиши белгиланган.

Қурилиш вазирлигида мактабларни замонавий архитектура ечимлари асосида, энергия тежовчи ва илгор технологияларни қўлланган ҳолда барпо этиш вазифаси топширилди.

Маълумки, лабораториядаги амалий машғулотлар таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Машғулотда олинган билимнинг самараси бир неча қарра юқори бўлади. Лекин бугун мактаблардаги 683 та физика, 897 та кимё, 901 та биология хонасида ўқув лабораториялари йўқ. 7 минг 807 та физика, 7 минг 776 та кимё ва 7 минг 770 та биология хонасининг жиҳозлари эскирган. 62 мингта синф хонаси замонавий ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланмаган, 7 мингта компьютер етишмапти. Шунинг учун мактаблардаги лабораторияларни замонавий жиҳозлаш ва улардаги дарслар қўламини ошириш талаб этилади.

Халқ таълими ва Молия вазирликларида амалдаги жиҳозлаш ҳолатини танқидий ўрганиб, мактабларни замонавий лаборатория, компьютер техникаси, спорт анжумлари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш бўйича топшириқ

берилди. Аниқ фанларни ўқитишда амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда интерактив машғулотларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Юртимизда математика, кимё, физика ва биология дарсларининг 10 фоизини амалий машғулотларга ажратилган. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 30-50 фоизни ташкил этади. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ўқув дастурларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, аниқ фанларда амалий машғулотлар қўламини ошириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда педагог кадрлар билими ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили аттестацияда иштирок этган қариб 57 минг ўқитувчидан 43 фоизи паст баҳо олгани, мамлакат бўйича муаллимларнинг аттестация натижаларидаги ўртача кўрсаткичи 100 баллик баҳолаш тизимида 64 баллини ташкил қилгани айтиб ўтилди.

Педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, методик таъминотни янгилаш ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Болаларни ёшлигидан маънан ва жисмонан етуқ шахс этиб тарбиялаш мақсадида мактабларни бадий адабиётлар билан таъминлаш, айниқса, бошланғич синфларда мусиқа, тасвирий санъат ва жисмоний тарбия машғулотларига янги мазмун бериш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбек ва афгон халқларини кўп асрлик тарих, ягона дин, ўхшаш анъана ва қадриятлар боғлаб туради. Халқимиз доимо афгон халқининг муаммоларини ўз юрагидан ўтказиб, ёрдам қилини чўзишга интилиб келган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилган эди. Унда мамлакатимиз раҳбари томонидан қўшни Афғонистонда тинчликни таъминлаш бўйича илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Ушбу нуфузли конференцияда иштирок этиш учун Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Гани, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрган эди.

Шу ўринда Тошкент конференцияси Афғонистон замининда тинчлик ўрнатиш жараёнини тезлаштиришни алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда давлатимиз раҳбари қуйидаги муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Биринчи – афгон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус – муросага эришиш;

иккинчи – Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш;

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ АФҒОНИСТОН БҲЙИЧА ТИНЧЛИК КЕЛИШУВИГА ЭРИШИШДА МУҲИМ РОЛЬ ҲЙНАДИ

учинчи – Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмак бериш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.

Ва ниҳоят, барча манфаатдор ташқи кучларнинг қуролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши беқиёс аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташаббусларни жаҳон ҳамжамиятига билдирар экан, бундан бошқа йўл йўқ эканлигига алоҳида ургу қаратган эди. Мазкур ташаббуслар Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг бош гоёси бўлганди.

Президентимизнинг ташаббусларидан сўнг томонлар ва сиёсий кучлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди бошланди. Чунки, бу масала Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Тошкент конференциясининг яқиний ҳужжати – декларацияда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган эди.

Тошкент конференцияси иштирокчилари Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши минтақда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зўравонлик ва афгон халқининг азоб-уқубатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлади. Анжуман қатнашчилари томонидан Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг саяё-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳа-

сидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга ошириладиган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақда тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Доҳада Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган тарихий шартнома имзоланганига қадар Ўзбекистон ташқи ишлар вазири бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси бир қатор давлатларнинг Афғонистон бўйича махсус вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод билан бўлиб ўтган мулоқотда афгон замининда ўрнатилган тинчлик жараёнини Афғонистон томони ва давлатимиз раҳбарининг Тошкент конференциясида илгари сурган ташаббуслари асосий ўрин тутгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, Афғонистонни келгусида ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

“Толибон” ҳаракати вакиллари билан ўтказилган учрашувда афгон замининда ўрнатилган тинчликдан томонлар бирдек манфаатдор эканига эътибор қаратилди.

Мулоқотда музокаралар жараёнига келиш осон бўлмагани қайд этилди. “Толибон” вакиллари “Биз қўшниларимиз, хусусан, Ўзбекистоннинг саяё-ҳаракатлари натижасида тинчликка эришяптиз”, – дея қайд этди. Улар Афғонистонни ривожлантириш ва тинчликни таъминлашда Ўзбекистон-

га суянишини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Афғонистондаги сиёсий кучлар ўртасида бетарафлик мақомига амал қилган ҳолда ҳаракат қилгани катта самара бергани таъкидланди.

Мулоқотда келажақда Афғонистон ҳукумати ва мамлакат ичкарилик сиёсий кучлар ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни йўлга қўйишда Ўзбекистон амалий ёрдам беришга, шунингдек, Афғонистонни тиклаш ва ривожлантириш жараёнида қўмак кўрсатишга тайёр экани билдирди.

Анжуман доирасида яна бир қатор икки томонлама музокаралар ўтказилди. Уларда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг хозирги босқичи, келгусида ушбу диёрни ривожлантириш борасидаги фикрлар ўртага ташланди. Амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотларда халқаро делегациялар томонидан Тошкент конференцияси бўйича қабул қилинган яқиний ҳужжат тарихий қарорга элтувчи декларация, дея баҳоланди.

Ушбу фикрлар Доҳада ўтган учрашувда ҳам таъкидланди. Хусусан, Тошкент анжумани ўтганидан сўнг Афғонистон масаласида амалий саяё-ҳаракатлар бошлангани халқаро ташкилотлар ва йирик давлатлар вакиллари томонидан муҳим тарихий воқеа, Афғонистонда тинчликка эришишини бошлашни сифатида алоҳида эътироф этилди.

Тинчликка эришиш шартномасини имзолаш маросимида АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео иштирок этди.

Тошкентда бошланган Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни
Доҳадаги тарихий келишувга эришилишида асосий омил бўлди

АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИ БУТУН МИНТАҚА МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда нафақат минтақа давлатлари, балки бутун дунё афғон заминидида шаклланган халқаро терроризм унсурларига қарши курашда бирлашмоқда. Имзоланган битимга кўра, бундан буён Афғонистон замини халқаро террор гуруҳларига ҳеч қандай бошлана бермайди. Бу борадаги келишувлар келажақда битимга имзо чекканлар томонидан қатъий мониторинг қилиб борилади. Асосий мақсадимиз Афғонистон ҳудудидида тинчлик ва барқарорлик ўрнатишидир.

Яна бир бор таъкидлаш, Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу масаладаги ташаббуслари ижобий натижага эришилишида ниҳоятда катта роль ўйнади. Узоқ кутилган тинчлик жараёни нафақат минтақа, балки бутун дунёдаги тинчликсевар эллар учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Хусусан, АҚШ ва Ўзбекистон учун ҳам минтақада савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнини жадаллаштириш имкони беради. Минтақада саноат, транспорт-логистика хизматлари ривожланади, янги иш ўринлари пайдо бўлади. Бундай ижобий ўзгаришлардан барча томонлар манфаатдор.

Маркус Потцель, Германия Федератив Республикасининг Афғонистон ва Покистон бўйича вакили:

– Ўзбекистон ва Германия Марказий Осиёнинг бир қисми ҳисобланган Афғонистон масаласида кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг доирасида давлатларимиз афғон ёшларининг таълим олиши учун грантлар ажратиш келяпти. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича келишувдан сўнг амалга ошадиган беш томонлама ёндашув, яъни Қатар, Норвегия, Индонезия, Ўзбекистон ва Германиянинг Афғонистондаги турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасида ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатлари ҳам биргаликдаги интилишларнинг ёрқин мисолидир.

Умуман олганда, Германия ва ЕИ давлатлари афғон заминидида тинчлик ўрнатиши тарафдори, чунки бу мижорнинг аяқ топиши аввало жабрдийда афғон халқи манфаатларига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам ҳар томонлама фойдали. Жумладан, савдо-сотиқни ривожлантириш, иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш, муқобил энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш яхши самара беради.

Мен 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро анжуманда иштирок этганман. 2019 йил августда ҳам Ўзбекистонда бўлиб, ташқи ишлар вазири ҳамда Президентнинг Афғонистон масалалари бўйича махсус вакили билан учрашдим.

Германия Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги алоҳида ўрнини эътироф этади. Зеро, Афғонистонда тинчликни таъминлашга қаратилган Тошкент конференцияси айнан Ўзбекистон етакчиси ташаббуси билан ташкил этилди. Қолаверса, 2019 йил май ойида ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи мобайнида ҳам икки давлат раҳбарлари Афғонистон масаласини чуқур таҳлил қилган эди.

Абдулазиз Комилов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

– Бугун жуда муҳим халқаро анжуманининг гувоҳи бўлдик. Америка Қўшма Штатлари ва Афғонистон "Толибон" ҳаракати ўртасида тинчлик ўрнатиш шартномаси имзоланди. Қирқ йил мобайнида илк бор Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича яхши имконият очилляпти. Бунда Ўзбекистоннинг ҳиссаси жуда катта.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси ва прагматик ёндашуви тўғрисида Тошкентда бошланган Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни Доҳадаги тарихий келишувга эришилишида асосий омил бўлди.

Бу муҳим шартноманинг ижобий натижалари нимада кўринади? Аввало, Афғонистон халқининг тинч, бахтли-саодатли ҳаётига эшиклар очилди. Биринчи марта ушбу замида уруш, зўравонликлар тўхтади.

Иккинчидан, мазкур тинчлик битими Ўзбекистоннинг ҳам осойишталиги ва барқарорлиги демакдир. Ҳатто Толибонлар биз билан учрашувда "Биз ҳеч қачон Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаймиз ва бу борада бирга ишлашга тайёرمىз", – дея таъкидлади. Бу мамлакатимиз учун жуда катта ютуқ. Президентимиз олимб бораётган сиёсатининг ижобий натижасидир.

Афғонистон билан прагматик манфаатларимиз бор. Булар – янги йўллар қуриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, Ўзбекистон маҳсулотларини Афғонистон орқали Ҳиндистон, Покистон, Эрон каби Жанубий Осиё давлатларига экспорт қилиш. Биз бундан буён ҳам халқаро ҳамжамият билан Афғонистон бўйича ҳамкорликни изчил давом эттирамиз. Президентимизнинг афғон диёрида тинчлик ўрнатиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизликни таъминлаш бўйича ташаббусларининг ижобати йўлида ҳаракат қиламиз. Чунки юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда бизга аввало тинчлик керак.

Абдул Салом Ҳанафий, "Толибон" ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси раҳбари ўринбосари:

– Биз жаноб Президент Мирзиёевнинг Афғонистондаги тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик борасидаги ижобий ташаббус-

ларини юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон ва Афғонистон халқи азалдан бир-бири билан ога-ини, дўст. Биз ҳаммамиз бир вужудмиз. Бу минтақада яшайётган барча мамлакатлар, барча миллатлар ҳаммалари, иншооллох, келажақда ҳам бир жойда аҳил яшашлари керак. Афғонистон хавфсизлиги бу Ўзбекистоннинг ҳам хавфсизлигидир.

Қори Дин Муҳаммад, "Толибон" ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси раҳбари ўринбосари:

– Узоқ йиллардан буён, қарийб 40 йилдан бери Афғонистонда уруш давом этмоқда. Бизга ва кўшнларимизга урушнинг тугаши, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши жуда муҳим. Ўзбекистон Президенти Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши учун ташаббуслар илгари сурганини биламиз ва бугун биз бу тарихий натижа оstonасида турибмиз.

Афғонистон ва Ўзбекистон умумий сарҳад ва маданиятга эга. Икки мамлакат халқи бир дарёнинг икки соҳилида яшади. Тақдирларимиз бир қўлнинг беш бармоғи сингари тарихан муштарак. Сизларнинг тинчлик ўрнатилишини таъминлаш, қурилиш, таълим ва бошқа кўпball соҳаларда кўрсатаётган ёрдамларингиз узоқ давлатлардан келаётган ёрдамлардан кўра самаралироқ бўлмоқда.

Элдор Орипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори:

– АҚШ ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тинчлик битимининг имзоланиши дарҳақиқат, тарихий воқеадир. 40 йиллик урушдан сўнг илк марта зўравонликка, аҳоли ўртасидаги саноксиз қурбонларга чек қўйиш имкони юзага келди. Утган давр ичида 2 миллион қурбон берилди, 4 миллиондан зиёд афғон мамлакатни тарк этди. Мазкур сулҳ истиқболлари яқин фурсат ичида миллионлаб афғонлар тинч-осуда ҳаёт кечира бошлашдан ҳикоя қилмоқда. Албатта, ушбу тинчлик битими имзоланишига, Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича муваффақиятга эришишда шахсан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссаси катта. У кишининг ташаббуси билан ўз вақтида ушбу тинчлик жараёнига кучли старт берилди.

Мен Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини назарда тутаяпман. Ушанда глобал мамлакатлар ва кўшн давлатлар ўртасида афғон мижоросини бартараф қилиш борасида умумий принциплар ва ёндашувлар бўйича умумий келишув шакллантирилган эди. Буни удалаш мумкинлигига ишонганлар жуда кам эди. Умуман, Афғонистонда тинчлик истиқболига ишонаётганлар кам эди. Бироқ Ўзбекистоннинг изчил ва прагматик сиёсати шарофати билан бунинг уддасидан чиқдик.

Ў.А

"Она асалари"лар экспортга



(Боши 1-саҳифада)

Вилоятда 1500 дан ортиқ асаларичилик субъекти рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги асаларини асосан уяларида парвартилади. Ички бозорни арзон, сифатли маҳсулот билан таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор шифобахш табиий неъмат ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётгани кўпчилиги қувонтирапти. Марказда илмий-текширув лабораторияси, тренинг заллари, кутубхона, электрон архив базаси, асални қайта ишлаш ва қадоқлаш цехи, тикувчилик, мум-парда, асоб-ускуна ва асалари уялари ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, наслчилик лабораторияси, 2 гектар ердаги экспериментал bog ва асал берувчи ўсимликларни етиштиришга мўлжалланган экин майдони ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

– Университетимизда 2018-2019 ўқув йилидан зоотехния факультетининг зоотехния ва агрономия кафедраси тарихида "Зоотехния: асаларичилик бакалавр таълим йўналиши" очилди, – дейди Фаргона давлат университети доценти, биология фанлари доктори Азизбек Турдалиев. – Биз асаларичилик соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар, илмий ходимлар тайёрлаш учун махсус дастурлар асосида иш олиб бормоқдамиз. Асаларичиликни халқимиз "етти хазинанинг бири", дея бежиз атамаган. Мазкур соҳанинг илмий асосларини ўргатиб

борар эканмиз, факультет ходимлари, олимлари бошқа жойлардан келиб ёрдам сўраётган асаларичиларга ҳам маслаҳат бемолдалар. Бундан ташқари, вилоят асаларичилик уюшмасидан қандай таклифлар бўлса, уни ҳам бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Уюшманинг Германия, Украина ва бошқа Европа давлатларидан зотли "она асалари"лар олиб келиб, кўпайтираётгани ҳамда кўпайтирилган "она асалари"ларни экспорт қилаётганини қўллаб-қувватлаб турибмиз.

Фаргона асаларичилар уюшмасида меҳнат қилаётган ишчи ва усталар асалари уяларини, бошқа керакли асоб-анжомларини ясамоқдалар. Улар буюртмаларга қараб ҳам рамкалар, уялар, мум ва дуд чиқарадиган асоб, ниқоб ва бошқа нарсаларни ясаб бераптилар. Бу ерда бир кеча кундузда 200 килограмм мум-парда тайёрланади. 200 тонна асални қадоқлаш цехи ишлаб турибди.

– Асалари пакетлари етиштириб, экспорт қиламиз, – дейди уюшма раҳбари Шерзодбек Суяркулов. – 2016 йилда вилоятларга 20 минг дона, чет давлатларга 30 минг дона сифатли асалари пакетлари етказиб берган эдик. Утган йилнинг ўзида 250 минг пакет асалари четга чиқарилди. Асалариларимизга талаб жуда кўп. Россия, Украина, Қозғоғистон, Европа давлатлари буюртмалар тузиш учун биз билан алоқа ўрнатяптилар.

Асалари парвартишга керак бўладиган асоб-ускуналар ясашда Нуриддин Марасулов, Файзулло Мамадалиев, Равшан Мўминчаев каби усталар баракали меҳнат қилишяётганини кўрдик.

Кези келганда айтиб ўтиш керак. Айрим пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари гўза зараркундаларига қарши курашда заҳарли дорилардан фойдаланяётгани асалариларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда. Айнан, ҳашаротларга қарши курашда биологик усулдан кенроқ фойдаланилса, самара ижобий бўлар эди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

РЕКЛАМА

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Куйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru. Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертифициланган.

Ҳурматли муштарийлар!

Газетамизга обуна уюштириш йил бўйи давом этади. Обуна тахририят томонидан ва бошқа барча обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ 144.

Сиз газетамизда ўз фаолиятингизга оид мақола, реклама ва эълонлар берилишини истайсизми?

Унда бизга телефон, телеграмм, электрон почта ҳамда хат-хабар орқали боғланишингиз мумкин.

Телефонлар: (71) 236-26-50; 233-44-43; 233-28-04. (90) 982-84-41 (телеграмм)

Электрон манзил: info@qishloqhayoti.uz

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси "Ветеринария медицинаси" журнали илмий кенгаши раиси **Бастамқул САЙТҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изхор этади.

РЕКЛАМА

JOHN DEERE

MONOSEM



"Monosem" компанияси пахта, мош, маккажўхори ва соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сонли: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+998 90 325 49 99

+998 93 181 11 66

+998 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертифициланган.

Хизматлар лицензияланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирилик ва идоралар.

Тахрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди. 5 131 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 05.10.

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ